

“O‘ZBEK XALQI VA DAVLATCHILIGI TARIXIGA OID NAZARIY MASALALAR: MUAMMO VA YECHIMLAR”

**mavzusidagi xalqaro
ilmiy-amaliy
anjumani maqolalar
to‘plami**



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY TA’LIM, FAN VA
INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI**

TERMIZ DAVLAT UNIVERSITETI

**SURXONDARYO FAN VA TEXNOLOGIYALARNI
RIVOJLANTIRISH MARKAZI**

**“O‘ZBEK XALQI VA DAVLATCHILIGI
TARIXIGA OID NAZARIY MASALALAR:
MUAMMO VA YECHIMLAR”**

**mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjumani maqolalar
to‘plami**

Termiz-2025

“O‘zbek xalqi va davlatchiligi tarixiga oid nazariy masalalar: muammo va yechimlar” mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjumani maqolalar to‘plami– T. : “Surxon ilm nashri” nashriyoti”, 2025. – 644 b.

Muharrir:
S.Tursunov

Ma’sul muharrirlar:
T.Pardayev, X.Xolmuminov, G‘.Mamarajabov I.Qarshiyev

© “O‘ZBEK XALQI VA DAVLATCHILIGI TARIXIGA OID NAZARIY
MASALALAR:MUAMMO VA YECHIMLAR” mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjumani
maqolalar to‘plami

© “SURXON ILM NASHRI” nashriyoti, 2025-y.

ЎЗБЕКНИНГ БИРИНЧИ ЭЛШУНОС АКАДЕМИГИ

М.Б.Курбонова

*Бухоро давлат университети Археология
ва Бухоро тарихи кафедраси
профессори, тарих фанлари номзоди
manzila.kurbanova58@mail.ru*

Аннотация: Мақода академик, этнограф Карим Шониёзов ҳаёти ва илмий фаолиятининг айрим масалалари илмий адабиётлар, шахсий кундаликлар, хотиралар асосида таҳлил этилган. Олим яратган илмий мактаб, Ўзбекистон этнологиясига қўшган ҳиссаси кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар: академик, этнография, этник тарих, ўзбеклар моддий ва маънавий маданият, экспедиция

Аннотация: На основе научной литературы, личных дневников, воспоминаний анализируются некоторые вопросы жизни и научной деятельности академика, этнографа Карима Шониёзова. Показаны созданная ученым научная школа и его вклад в узбекскую этнологию.

Ключевые слова: академический, этнография, этническая история, материальная и духовная культура узбеков, экспедиция.

Abstract: Based on scientific literature, personal diaries, and memoirs, some issues of the life and scientific work of academician and ethnographer Karim Shoniyozov are analyzed. The scientific school created by the scientist and his contribution to Uzbek ethnology are shown.

Key words: academic, ethnography, ethnic history, material and spiritual culture of Uzbeks, expedition.

Академик. Бу сўз дунёвий, ҳам илмий, ҳам диний билимларни чуқур билувчи, кенг мушоҳадали, катта дунёқарашга эга, нотик, бой тафаккур, тиник фитрат, фундаментал билимлар эгаси, ўз илмий мактабига эга, энг юқори илмий элита вакили саналган инсонларга нисбатан айтилади. Тарих фанлари доктори, профессор академик Карим Шониёзов ана шундай феноменал қобилиятлар эгаси эди. Бутун умрини элшунослик илми, Ўзбекистон этнографияси, академик илм фанга бағишлаган К.Шониёзовнинг ҳаёт йўли ва илмий фаолияти эътирофга лойиқ. Академикнинг босиб ўтган йўли тарих илмига кириб келаётган, тадқиқот олиб бораётган ёшлар, илмий изланувчилар учун чинакам намуна, эталон ҳисобланади.

Болалик даврдаги қийинчиликлар, ота-она меҳрисиз ўтган етимлик[1], қаҳатчилик оғир кунлардан иборат ҳаёт синовлари Карим Шониёзовични янада сабрли, метин иродали, қатъиятли, собитқадам, курашувчан, мақсад сари интилувчан, забардаст инсон сифатида тарбиялади. Қунт билан бошланғич илм сабоқларини олган Устоз кейинги даврларда фундаментал илм оламига кириб кетади. Карим Шониёзов ўта камсукум, камтарин инсон бўлганлари учун

радио, телевидение ва матбуотда ўзларини сира кўрсатишга интилмаганлар[9, 1-2 б].

Биз хотирасини ёдга олаётган инсон Ўзбекистон халқи моддий ва маънавий маданияти, ҳудудимизда истиқомат қилаётган ўзбек, тожик, туркман, қорақалпоқ, қарлук, қозоқ ва бошқа халқларнинг турмуш тарзи, ижтимоий ҳаёти, урф-одат ва анъаналари, диний, жамоавий, тақвимий, оилавий маросимларини ўрганиш борасида катта ҳисса қўшиб, этнология фани ўз ўрнига эга бўлди. Бугун олимнинг “Ўзбеки қарлуки” (Ўзбек қарлуқлар)[2], К этнической истории узбекского народа[3], Этнографические очерки материальной культуры узбеков конец XIX- начало XX века[4], Қанғ давлати ва қанғлилар[5], Қарлук давлати ва қарлуқлар[6], Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни[7] каби қатор фундаментал илмий асар ва монографиялари олий таълим муассасалари тарих, этнография йўналишлари бакалаврият ва магистратура талабалари, тадқиқотчилар, олимлар, соҳа мутахассислари томонидан ўрганилмоқда ва фойдаланиб келинмоқда.

1967-1988 ва 1991-1999 йилларда Академик Карим Шониёзов (1924-2000) Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Этнография бўлими, кейинчалик Этник тарих бўлими бошлиғи сифатида фаолият кўрсатади. Унинг раҳбарлигида Ўзбекистон турли воҳалари, тарихий-этнография вилоятларининг элшунослик нуқтаи-назардан ўрганиш мақсадида мавсумий, узоқ ва қисқа муддатли дала этнографик экспедициялар уюштирилди. Экспедиция яқунлари натижасида ўзбекларнинг анъанавий турмуш тарзи, турар жойлари, озиқ-овқатлари, хўжалик ҳаёти, хунармандчилик анъаналари, кийим-кечаклари, диний эътиқодлари, оила никоҳ муносабатлари комплекс ўрганилиб, кўплаб янги маълумотлар, дала материаллари йиғилади, фундаментал тадқиқотлар ва илмий нашрлар юзага келди.

К.Шониёзов раҳбарлик даврида бўлимда тўрт томлик “История Узбекской ССР” (1968) ва “История Узбекистана” (1993) каби жамоавий нашрлар тайёрланган. Унда тарихнинг турли даврларидаги ўзбеклар ҳаёти ва маданияти ҳақидаги боб ва қисмлар ўрин олган.

Карим Шониёзов билан бирга кўплаб таниқли этнограф олимлар, О.А.Сухарева, Ф.Д.Люшкевич, Б.Х.Кармышева, Ш.Иногамов, М.Бикжанова, Ф.Арипов, И.Жабборов, З.Ҳ.Арифхоновалар фаолият юритишган.

Карим Шониёзов ҳудудларда ҳам этнография фанини ривожлантириш, этнологик тадқиқотларни кучайтириш мақсадида мутахассислар тайёрлай бошлади. Масалан, Бухоро этнографияси бўйича А.Ш.Жумаев, М.Б.Қурбонова, Фарғона водийси бўйича У.С.Абдуллаев, А.А.Аширов, Қашқадарё этнографияси бўйича О.Бўриев, Сурхондарё воҳаси бўйича А.Р.Қаюмовлар етишиб чиқди. Бугун олим яратган илмий мактаб ўз мевасини бериб, шогирдларнинг шогирди янгидан янги тадқиқотларни амалга ошириб, фан ривожига ҳисса қўшиб келмоқдалар.

Карим Шониёзов ва унинг турмуш ўртоғи академик Сабоҳат Азимжонова ибратли умр, мазмунли ҳаёт кечириб, нафақат илмда, балки, шахсий ҳаётида ҳам барчага намуна бўладиган оила бўлганини таъкидлаш керак. (Академиклар

оиласида яшаш бахти, илмий муҳитда камол топиш, уларга шогирд бўлиш насиб этгани учун шукроналар айтаман)[9].

Ўзбек элшунослик мактабида Карим Шониёзов янги йўналишлар ва тадқиқотлар бошлаб берган олим сифатида кадрланади. Яъни, халқларнинг таомлари ва тановвул маданияти, этнослараро муносабатлар, ҳунармандчилик анъаналари, хўжалик ҳаёт масалалари, бола туғилиши ва тарбияси билан боғлиқ қарашлар, ўзбек халқининг қадимий диний эътиқодлари ва бошқалар шулар жумласидандир.

Карим Шониёзовнинг хотирасини абадийлаштириш, олим бошлаб берган илмий мактабни давом эттириш, этнолог олимларни бир жойга жамлаш, уларни бирлаштириш мақсадида республикада “Академик Карим Шониёзов ўқишлари” илмий-анжуманини ўтказиш анъанага айланган[8, 98 б].

Академик устоз Карим Шониёзовнинг илмий тадқиқотлари олимнинг хотирасини фанда абадийлаштирувчи ҳайкал бўлди. Унинг сабр-қаноат ва меҳнат билан кечирган ҳаёти, камтарин ва камсуқум феъл-атвори ёшларга ибрат мактабидир. Ибратли устоз Карим Шониёзовнинг хотираси ва хизматлари тарих фанида ва тарихчилар қалбида абадий сақланиб қолади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Шониёзов К. “Болалик хотиралари” тўпламидан олинди 1980-1992 йй..-Тошкент.
2. Шаниязов К. «Узбеки- карлуки» (Историко-этнографический очерк). Т.: «Наука». 1964.
3. Шаниязов К.Ш. К этнической истории узбекского народа (историко-этнографическое исследование на материалах кипчакского компонента). - Т."Фан". 1974.
4. Шаниязов К.Ш., Исмаилов Х.И. Этнографические очерки материальной культуры узбеков конец XIX- начало XX века.-Т.: “Фан”, 1981.
5. Шониёзов К. Қанғ давлати ва қанғлилар. -Т.: 1991.
6. Шониёзов К. Қарлуқ давлати ва қарлуқлар.-Т.: 1999.
7. Шониёзов К.Ш. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни.-Т.: “Шарқ” 2001.
8. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 10- жилд. “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти. -Т.:2005. - Б.98.
9. Қурбонова М.Б. Бухорода таълим олган академик // Бухоро оқшоми. 2004 йил, 28 май. -Б.1-2.

	me'yorlarning ahamiyati	
D.B.Yusupov	XX asr so'ngida Qashqadaryo va Surxondaryo viloyatlariga xorijiy investitsiyalarining jalb qilinishi va uning ahamiyati	478
O.A.Yuldosheva	To'qimachilik sohasining Surxondaryo viloyati iqtisodiyotini rivojlantirishdagi o'rni	482
A.T.Turcuinov	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини янада ривожлантириш таҳлиллари	485
5-ShO'BA O'ZBEK XALQI MODDIY VA MA'NAViy MADANIYATINING DAVLATCHILIK TARAQQIYOTIDA TUTGAN O'RNI		
O.B'uriyev, X.Toshmurodov	Академик Карим Шониёзовнинг ўзбек этнографиясига қўшган ҳиссаси	488
O.B'uriyev	Ўзбеклар оила-никоҳ маросимларини этнографик ўрганиш (Жанубий Ўзбекистон мисолида)	497
F.Sh.Raxmonov	Milliy dehqonchilik madaniyati va transformatsiya jarayonlari (Janubiy O'zbekiston misolida)	506
M.B.Qurbonova	Ўзбекнинг биринчи элшунос академиги	513
H.A.Abdullaeva	Матолар билан боғлиқ урф-одат расм-русумлар	516
M.Usmonov	Ўзбек халқи этник тарихида қўнғиротлар	522
G.O'.Axmedova	Xalqona an'analarning rivojlanishida baxshichilik san'atining o'rni	527
I.I.Umarov	Жанубий Ўзбекистон қатағонларида чорвачилик билан боғлиқ удумлари	531
I.I.Umarov	Жанубий Ўзбекистон қатағонларининг анъанавий қийимлари	534
I.M.Karshiev	Трансформационные процессы в материальной культуре кунгратов	538
S.A.Ergasheva	Surxon vohasi gilam va gilamchilik tarixidan	546
A.A.Berdiyev	Nurota tizmasi shimoliy yon bag'ri aholisining mashg'ulotlari	551
D.T.Mallayev	Surxon vohasida hunarmandchilik bilan bog'liq urf-odatlar	555
M.H.Rahmonov	Toqchi qishloq aholisining an'anaviy tibbiyot sirlari: etnomeditsina jihatlari	559
I.A.Ergashov	O'zbek xalqi turmushida qadimiy e'tiqod izlari	563
S.H.Choriyev	Mustamlakachilikdan mustaqillika: Tog'ay Murodning "Otamdan qolgan dalalar" romanida tarixiy ong va milliy uyg'onish g'oyalari	566